



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

2005 йил 13 апрель, чоршанба

№ 30 (11.729)

Эркин нархда сотилади

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Мамлакатда инвестиция муҳитини янада яхшилаш, хусусийлаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ва реконструкция қилиш, республиканинг ортқича ишчи кучи мавжуд бўлган минтақаларида янги иш жойларини яратиш дастурларини амалга оширишга тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш, шунингдек хорижий инвесторлар учун ишончли ҳуқуқий ҳимоя ва кафолатларни таъминлаш мақсадида:

1. 2005 йилнинг 1 июлидан бошлаб тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишдаги иқтисодий тармоқлари (иловага мувофиқ) корхоналари асосий фаолияти бўйича даромад (фойда) солиғи, мулк солиғи, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва худудларни обдонлаштириш солиғи, экология солиғи, микрофирма ва кичик корхоналар учун белгиланган ягона солиқ тўлашдан, шунингдек Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод қилинсин.

Белгилансинки, тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестициялар ҳақида қўйиладиган бўлган да мазкур солиқ имтиёзлари берилди:

300 минг АҚШ долларидан 3 миллион АҚШ долларигача – 3 йил муддатга;

3 миллиондан ортқ АҚШ долларидан 10 миллион АҚШ долларигача – 5 йил муддатга;

10 миллион АҚШ долларидан ортқ бўлганда – 7 йил муддатга.

2. Ушбу Фармоннинг 1-бандида кўрсатилган солиқ имтиёзлари қўйидаги шартлар асосида қўлланилиши белгиланган бўлиши:

мазкур корхоналарни ортқича ишчи кучи бўлган минтақалар – Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Қашқадарё, Сирдарё, Сурхондарё, Хоразм вилоятларида, шунингдек Навоий, Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларининг қишлоқ аҳоли пунктларида жойлаштириш;

хорижий инвесторлар томонидан тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни Ўзбекистон Республикасининг кафолати берилмаган ҳолда амалга ошириш;

корхонанинг устав капиталига хорижий широкдорларнинг улуши камидан 50 фоизни ташкил этиши лозим;

ушбу корхоналар давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейин тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни киритиш;

хорижий инвестицияларни эркин алмаштириладиган валюта ёки янги замонавий технология усули тарзида қўйиш;

мазкур имтиёزلарни қўлланиш муддати давомида имтиёزلардан олинган даромаддан корхона янада ривожлантириш мақсадида қайта инвестициялашга йўналтириш.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Хорижий инвестициялар ва кредитлар масалалари бўйича идоралараро Кенгаш зиммасига тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестициялар жалб этиладиган корхоналарнинг ушбу Фармон иловасида кўрсатилган иқтисодий тармоқларига тааллуқли эканини аниқлаш вазифаси юклатилсин.

4. Қўйидагилар белгилансин:

хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар томонидан Ўзбекистон Республикасининг кафолатисиз жалб этиладиган узоқ муддатли кредитлар бўйича фойзалар даромад (фойда) солиғини ҳисоблашда солиққа тортиладиган базага киритилмайдиган;

хорижий инвестициялар иштирокида янги ташкил этиладиган корхоналарнинг асосий фаолиятдан кўрадиغان зарарлари 5 йил муддат ичида солиққа тортиладиган даромад ҳисобидан тўлаш учун ҳисобот давридан кейинги йилларга тегишли улуш билан тақсимланади;

кейинги кунун ҳужжатларида инвестициялаш шарт-шароитлари ёмонлашган тақдирда мазкур Фармоннинг 1-бандидаги имтиёزلар қанча муддатга берилган бўлса ана шу муддат мобайнида амал қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 2005 йил 11 апрель.

Мардлар қўриқлайди Ватанни!

ҲАРБИЙ ХИЗМАТ – ШАРАФЛИ БУРЧ

Вилоятимиз шаҳар ва туманлардан ҳарбий хизматга чақирилган навбатдаги бир гуруҳ янгитларимиз Ватан олдидаги шарафли бурчларини адо этиш учун жўнаб кетдилар.

Ҳарбий хизмат муддатини ўташ ҳар бир йил учун муқаддас бурчдир. Бу давр ёшларимиз учун муқтақил ҳаётга қадам қўйиш олдидагина чинакам синов мактаби бўлиб, уларни жисмонан чинқиратириб, маънавий баркамоллик сари катта бир қадам, ўзликни намоён этиш учун муҳим босқич бўлади. Йигитларимиз жанговар машғулотлар давомида ҳарбий билимини мустақкам эгаллайдилар, она-Ватанимиз ҳимояси учун тайёрландилар.

— Вилоятимизда ҳарбий хизматга навбатдаги баҳорги чақирув кўтаринки руҳда ўтиши учун барча чора-тадбирларни амалга оширдик, — дейди вилоят мудофаа ишлари бошқармаси бошлиғи Зоҳиджон Аҳмаджўраев. — Чақирув йилини пунктида ташкил этилган махсус бурчада бўлажак аскарларимиз керакли маълумотлар билан таништирадилар. Булардан ташқари йигитларимиз ва уларнинг ота-оналарини ҳарбий қисмларда яратилган шарт-шароитлар билан таништиришга ҳам алоҳида эътибор қаратиладир. Шунингдек, бўлуси аскарлар ўзларининг ҳарбий ҳуқуқлари, бериладиган имтиёزلар ҳусусида ҳам тўлиқ маълумотга эга бўлаётдилар. Ҳарбий комиссия синовларидан муваффақиятли ўтган йигитларимиз муқаддас бурчларини адо этишга йўл олмоқдалар. Бугунги тантанали йиғилишда ёш чеҳралардаги қувонч, қатъийликни кўрган кишининг қалби ғурурга тўлади.

Дарҳақиқат, фарзандларини севинч ёшлари билан хизматга кузатаётган ота-оналар уларга ишонч билдирдилар. Ҳарбий қисмларда йигитларимиз малакали офицерлардан мард ва жасур, иродали бўлиш, юртга садоқат билан хизмат қилишининг чинакам сабогини оладилар.

— Ўғлим Божикжонни ҳарбий хизматга кузатаёلمиз, — дейди Юқоричирик туманининг «Ийк ота» ширкат ҳўжалигидан келган Илбўй Қаршибоев. — Ёшиқдан ният қилиб юрарди. Мана, орзусига ҳам етди. Мирзо Улуғбек туманидаги касб-хунар коллежида автотехникани сошлаш мутахассислиги бўйича ўқиб, аъло баҳолар билан тамомлади.

— Дониёрда ҳарбий хизматга йишқиб ёшланидан ўйинган эди, — дейди Занғота қишлоғидан ташриф бўюрган Диломор Мирсўлонова. — Киши чин дилдан орзу қилса, албатта, унга эришар экан. Бунинг учун ўғлим жуда кўп тайёрланди, жисмонан чинқиб улгайди. Мана энди тест ва синовлардан ўтиб, кизматга йўл олапти.

Бўлажак аскарлар билан суҳбатлашар эканми, уларнинг кўпчилиги ўрта-махсус, олий маълумотли ёшлар эканидан мамнун бўлдик. Тантанали кузатув тадбирига ташриф бўюрган «Нуроний» жамғармаси вилоят кенгашининг раиси Нўмон Насимов, «Маҳалла» хайрия жамғармаси вилоят кенгаши раиси Тўқтин Мирқомиллов ва бошқа жамоат ташкилотлари вакиллари сўзга чиқиб, мустақил юртимизнинг бўлажак ҳимоячиларига оқ йўл, Ватан олдидаги бурчларини адо этишда муваффақият тилашди.

Ҳарбий хизматга кузатув маросими вилоят ҳамда Паркент туман ҳокимликлари томонидан байронома ташкил этилди. Махсус концерт дастури йиғилганларга манзур бўлди.

Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ, «Тошкент ҳақиқати» муҳбири.

Бугуннинг гапи



МАБЛАҒ АЖРАТИЛДИ, ИШЛАР БОШЛАНДИ

Янгийўл туманида эски боғ ва тоқзорларни тиклаш, янгиларини барпо этишга киришилди

Азалдан она заминимиз жаннатмакон, дея эъзозланади. Боиси, у ўз саховати, қўт-баракаси билан ажодларимизни боққан, бизни боқаяпти. Аммо, ердан фойдаланиш баробарида унга етарли эътибор, таъбир жоиз бўлса, гамхўрлик зарур. Ундан пала-партиш фойдаланиш, сўнгги қувватига аёвсиз сўриб олиш яхшиликка олиб бормади. Аксинча, йилдан-йилга мадори қуриб, қаровсиз аҳволда қолаётган ерлар охир-оқибат сахрога айланади.

Бундан бир неча йил аввал, Янгийўл тумани боғ ва тоқзорларнинг довриги билан машхур эди. Энг сархил нав меваю узумларни беҳусоб этиштирадиган, ички ва ташқи бозорни тўлдириб, шу тариха салмоқли фойда кўрган «Халқ-обод» агросаноат биришмаси нафақат вилоятимизда, балки бутун республикада ўзига хос нуфузга эга бўлганлиги ҳам сир эмас. Аммо кейинги пайларда бу боғлар анчайин аянчли аҳволга тушиб, ҳосилдорлик ҳам, сифат ва самарадорлик ҳам оқсб бораётгани ҳақида бот-бот эшитиб, афсусландик. Неча-неча фидойи боғбону соҳибкорларнинг умри, меҳнати, куч-қуввати эвазига бино бўлган бепеён боғларнинг йўқ бўлиб кетганлиги кишини ажаблантирарди. Айни пайда бу ноҳус манзара нафақат туман, балки вилоят мутасаддиларини ҳам безътибор қолдирмади. Боғлар шухратини қайта тиклаш, туман ерларининг мелiorатив ҳолатини яхшилаш юзасидан кенг қўлам ва қамровли юмушлар бошлаб юборилди. Мутасаддиларнинг хайрли тақлиф ва ташаббусларига ҳақиқий аҳволдан азият чекаётган Янгийўл аҳолиси, лаббай, деб жавоб берди...

Германияда Ўзбекистон мавзуси

Германия оммавий ахборот воситалари, жумладан, «Spiegel» журнаси, «Rheinische Post» ва «Borchester-Borkener Volksblatt» газеталари ҳамда «NTV» телеканали интернет саҳифаларида мамлакатимиз ҳақида туркум мақолалар чоп этилди.

Уларда Ўзбекистоннинг Бухоро, Самарқанд, Хива каби қадимий ва навқирон шаҳарлари, улардаги тарихий ва мейморий обидалар тўғрисида кенг маълумот берилган. «Шарқ мўъжизаси ҳисобланган Самарқанд ва Бухоро каби номлар кишини бейхитёр «Минг бир кеча» эртақларига етказлади, — деб ёзди немис журналисти Жобст Книгге. — Мазкур обидаларда бебаҳо мейморийлик санъатининг буюк намуналарини кўриш мумкин».

Шунингдек, муаллиф ўзбек миллий маданияти ҳусусида тўлқинланиб ҳикоя қилади, мамлакат бозорларидаги шарқона тароватни моҳирлик билан таърифлайди. Немис журналисти Ўзбекистонда мустақиллик йилларида миллий қадриятлар қайта тикланаётгани билан бир қаторда диний бағрикенглик анъаналари қарор топганини ёзди. Муаллиф, шунингдек, минтақадаги вазиятга баҳо бериб, Ўзбекистон тинчлик ва барқарорлик макони эканига алоҳида урғу берган.

Баҳриддин АСЛАНОВ,
«Жаҳон» АА,
Берлин.

Жинойатга жазо муқаррар

УЛАР КИМНИ АЛДАШМОҚЧИ ЭДИ?

Бошқ бўлали бўлса, галла хирмонларимизга барака кирими, оғборлар сара донга тўлади, дастурхонларимиздан бўрсилдоқ нон аримойди.

Тажирибали фаллакорлар бунга эришиш учун обдон меҳнат қилишади. Мўл, сифатли ҳосил етиштириш имконини берувчи омиллар кўп. Уларга оғишмай рию қилаётган ширкат ва деҳқон-фермер ҳўжалиқларида йил сайин хирмонга барака кирмоқда, галлакор мўмай даромад олиб, рўзгорда маъмурчиликка эришилмоқда.

Лекин беш қўл баробар эмас. Ишни чала-чўлла бажариб, олма пиш, оғзимга туш деб, гойибдан чалпақ кутувчи боқибгаемлар хали барҳам топганича йўқ. Вилоят прокуратураси олиб борган мониторинг текширишлари буни яққол кўрсатди. Аниқланишича, туманларда қишлоқ ҳўжалиги тадбирларига бевосита алоқадор идоралар фаолияти лозим даражада мувофиқлаштирилмаган. Ҳокимлар, қишлоқ ва сув ҳўжалиги бўлимлари мутасаддилари, маъсўл мансабдор шахслар томонидан назорат сусайтириб юборилганлиги оқибатида агротехника тадбирлари вақтида бажарилмаётди.

Фаллакорларнинг қўкларига дала ишлари кўп ҳолларда ўлда-жўлда қолиб кетаётганлигини кўрсатувчи миқдорларга ҳар бир туманда дуч келасиз. Айниқса, буюдозорларни минерал ва маҳаллий ўғитлар билан озиклантиришда ўзибўларчилик кучли. Оққўрғон, Юқоричирик, Қўйичирик, Янгийўл ва Уртачирик туманларида катта-катта майдонлардаги экинни азотли ўғит билан биринчи озиклантириш хануз амалга оширилмаган. Фалла учун мўлжалланган ўғитлар эҳтиёсизлик, беғамлик туфайли қўлнча далага ҳам етиб бормаётди. Чунончи, Оққўрғон туманидаги Навоий номили ширкат ҳўжалиги амборида 95 100 килограмм аммофос тўкилиб-сочилиб ётипти. Йиртик қоплардаги 13,8 тонна аммофос солиқтани чакка суви эритиб, яроқ-

(Давоми 3-бетда).

Тошкент вилояти ҳокимининг ҚАРОРИ

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг II сессиясини чақириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида» Қонунининг 17-моддасига мувофиқ қарор қиламан: Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг II сессияси 2005 йил 14 апрель кўни соат 15.00 да Тошкент шаҳрида чақирилсин.

Вилоят ҳокими К. ТўЛАГАНОВ.
Тошкент шаҳри, 2005 йил 12 апрель.

Бугуннинг гапи


суръатда ишлашига электр таъминотидаги узиллишлар ва қувват етишмаслиги ҳам жиддий таъсир ўтказган. Натижада, гектарлаб майдондаги боғ ва тоқзорлар сувсизликдан қуриб бошлаган, уларни жонлантириш, эпаккага келтиришнинг имконини топа олмаган пудратчи ва ижарачиларнинг ишдан кўнгли совуван. Бу жойларда ердан қор кетгандан бошлаб, қор тушгунча меҳнат қилиб, тер тўкиб, бирор натижага эриша олмаган боғbonлар бора-бора боғларни умуман қаровсиз ташлаган, табиий усадиган ўт-ўланлар билан мол-қолларини боқишни афзал билишган.

бешта ҳўжаликнинг 3753 гектар боғ ва узумзорлари кейинги ўн йил ичида 2444 гектарга қисқариб кетганини аниқлади. Қисқа фурсатда туман ҳўжаликлари шу қадар кўп боғ ва узумзорлардан маҳрум бўлган. Ахир уларни қайта тиклаш, асл ҳолига келтириш учун бир неча ўн йиллар керак экан-

сослар тубдан қайта таъмир-лашиб, шай ҳолатга келтирилди, янгилари ўрнатилди. Бир неча йиллардан бери сувсиз-ликдан қараб, яроқсиз ахволга келиб қолган ариқ-зовурлар, сув тақсимлагич қулоқ ҳамда тўғонлар буткул тозаланди, қайта таъмирланди. Хайрли вази-фаларни амалга ошириш

деҳқонларнинг ҳақли эътироз-ларига сабаб бўлиб, кўпчили-гини умидсизлик, ишонсизлик қайфиятига тушириб қўйган эди. Туман ва вилоят раҳбарлари-нинг масалага жон қўйдириши, амалий ишлар ва унга бўлган эътиборнинг кучайиши, мута-садиларнинг туну кун таъмир-лаш кетаётган объектларга

МАБЛАҒ АЖРАТИЛДИ, ИШЛАР БОШЛАНДИ



лигини ҳисобга олсак, туман боғдорчиликни таназзулдан чиқариш учун кескин бурилиш палласи аллақачон етганини аниқлаш мумкин. Фирқимиз далили ўларок, бугун Янгийўлда бу борада пухта режа асосида, босқич-ма-босқич амалга оширилади-ган, узокни кўзлайдиган дол-зарб юмушлар қизғин тус ол-ган. Шу кунларда туманда бўлган киши буни ўз кўзи билан кўради. Туман ҳамда вилоят ҳоким-лиги мутасаддиларнинг сай-ҳаракатлари билан Янгийўл ерлари учун энг аввало, сув муаммоси тўлиқ бартараф этил-ди. Мавжуд сув чиқарувчи на-

келиб, бош-қош бўлиб туриши оддий аҳоли вакиллари ҳам хушёр тортирди. Уларнинг де-ярли ҳаммаси мазкур савобли ва ҳар тарафлама манфаатли юмушларга ҳисса қўшишга ин-тилдилар. Дарҳақиқат, туман аҳли ҳам умидсизлик уйқусидан уйғон-ди. Ўз ерини севган, боғ-роғ-ларини қадрлаган, унинг қайта жонланишига умид боғлаган деҳқону боғbonлар, миробу миришкорлар энг шимариб ишга киришиб кетдилар. Биз туманда сув муаммо-сидан энг кўп азият чекаёт-ган, ҳар томонлама нуқулай ва ночор ахволга тушиб қолаёт-ган «Янгийўлда» ширкат ҳўжа-лигида бўлганимизда, ҳўжалик раҳбарларидан тортиб, оддий пудратчи ва сувчиларга янги тикланган сув насослари, то-заланган ариқ-зовурлар, авж олиб ўсаётган бугдойзорлар, қайта кўкара бошлаган боғ-тоқзорлар бошда эканлигига гувоҳ бўлдик. Шунча йўқотиш-ларга қарамай, уларнинг юз-кўзларида гайрат-шижоат бал-киб, гап-сўзларида ишонч ва қатъият уфуриб турарди.

— Ҳўжалигимиз ерлари оилавий пудрат асосида аъзо-ларга тақсимланди, — дейди ҳўжалик бош пудратчиси Мах-муд Мусаев. — Айни пайтда

боғ ва тоқзорларга эгалик қилаётган оилавий пудратчи-ларимиз ўз вази-фаларига ишонч ҳамда масъулият билан ёндошмоқдалар. Мавжуд 314 гектар мевали боғ ва узум-зорларга баҳорги агротехник ишловлар, шакл бериш юмуш-лари якунланди. Уларнинг қатор ораларига ишлов бериш, қўшимча ниҳоллар навларига қараб экилди ва парвариш қилинмоқда. Қузга бориб узум-зорларимизни ҳам кенгайтири-риш ниятимиз бор. Эътибор ҳамда гамхўрлик-дан жонланган Усмон Юсупов номли «Халқобод» ширкат ҳўжа-лигида ҳам ишлар кенг қулоқ эади. Жами 530 гектар мева-ли боғ, 55 гектар узумзори бўлган ҳўжалик бу йил уларни янада кенгайтиришга эришди. Қирқ гектар янги мевали боғ барпо этилиб, олма, олхўри, гилос ниҳолларининг энг уни-версал навлари экилди. Бунинг учун мутасаддилар Фарғонада-ги қўнатилик ҳўжалиги билан ҳамкорликни йўлга қўйдилар. Янги ниятга яраша қили-наётган ҳаракатлари туман-даги «Янгийўл», Навоий ном-ли, У. Болабобоев номли шир-кат ҳўжаликлари мисолида ҳам қайд этиш мумкин. Бу ҳудуд-ларда ҳам мавжуд боғ ва тоқ-зорларга агротехник ишлов бериш, ариқ-зовурларни тоза-лаш, сув насосларини таъмир-лаш, электр энергияси қува-тини кучайтириш, янги боғлар барпо этиш юмушлари авж ол-дирилмоқда.

Заминни обод қилиш, унга сув келтириб, ҳаёт бағишлаш ҳар қанча таҳсинга лойиқ иш. Эътироф этилаётган хайрли юмушларга сидқиқидан бош қўшаётганларнинг эзгу ният-лари рўёбга чиқиши шўбҳасиз.

Гайрат ШЕРАЛИЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус муҳбири.
СУРАТЛАРДА: тумандаги У. Болабобоев номли ширкат ҳўжалиги мутасаддилари авжи зуллаган мевали боғни кўздан кечиришмоқда (биринчи бетда); бош пудратчи Номозбой Мелдебоев.
Д. ЮСУПОВ (ЎЗА)
олган суратлар.

Вилоят «Ташаббус — 2005» кўрик-танлови совриндорлари

ДАРОМАДИ 156 МИЛЛИОН

Муқим Эрхўжаев раҳбарлик қилаётган Муқимий номли фермер ҳўжалиги нафақат Чиноз тумани, балки вилоятда ҳам энг илғорлардан ҳисобланади. Буни ўтган йилги натижалар таҳлилидан ҳам кўриш мумкин. Фермер ҳўжалиги ихтиёри-да 174 гектар экин майдони бўлиб, ўтган йили 87 гектар ерда пахта, 83 гектарда галла етиштирилди. Пахтанинг ҳар гектаридан 41,6 центнердан ҳосил йиғиб олинди. Бу олдин-ги йилдагига нисбатан 6,6 центнер кўп бўлиб, режа 172 фоиз қилиб адо этилди. Фаллачилик бўйича белги-ланган режа гектар бошига 40 центнер бўлса, амалда 50 центнерга борди. 332 тонна ўрнига 415 тонна дон етишти-рилди. Умумий даромад ва соф фойда ҳам шунга яраша бўлди, яъни 156 миллион сўм даро-мад олинди. Бу олдинги йил-дагига нисбатан деярли 70 миллион сўм кўпдир. Қурилган соф фойда 40 миллион сўмни ташкил этди. Фермер ҳўжалиги бюджет-га ва бошқа барча тўловларга ўз вақтида маблағ ажратмоқ-да. Етказиб берилган маъдан-ли ўғитлар, ёнлиги-мойлаш материаллари, машина-трактор саройи ва автокорхона хизмат-лари учун ҳам муддатда тўлан-моқда. Шунинг учун кредитор-лик, иш ҳақидан қарзи йўқ. Аммо, туман пахта заводи ҳўжалик етказиб берган ҳўжа-ли хамон тўла бергани йўқ. Йил бошида дебиторлик қарзи 32 миллион сўм бўлди. Бу эса ҳўжаликнинг моддий-техника

Жинойтга жазо муқаррар

УЛАР КИМНИ АЛДАШМОҚЧИ ЭДИ?

«Қонқа» фермерлар уюш-масида минерал ўғитлар томи илмла-тешик оғборда «сақланмоқда». Айрим фер-мер ҳўжаликлари бугдойни минерал ўғитлар билан озик-лантиришни кечиктириб юбормоқдалар. Алдам-қалдамлик шунча-ликки, гоҳи ҳолатларни ку-затиб, лоқ қолсан киши. Қўйинчирик туманидаги «Ўзбекистон беш йиллиги» тажриба ҳўжалигида бугдой-зорларга минерал ўғит ба-тамом селиб бўлинди, дея текширувчиларни обдон ишонтиришди. Лекин булар ҳам бўш келишмади, ҳисо-ботлар қанчалик тўғрилиги-га ишонч ҳосил қилиш учун оғборни очилиши сўрашди. Мутасаддилар нега оғборни четлаб ўтишга зўр бериша-ётгани шунда ойдинлашди. Оғборда 1,1 тонна «бугдой-ўғит» тўқилиб-сочилиб ётарди. Бу ҳол галла учун оғборда 93,5 тонна азотли ўғит ҳақиқатан ҳам бугдойга тўла-тўқис сепилганлигига шўбҳа уйғотмайди, ахир?! Боз устига, қузги шудор пайтида далаларга селиш учун оғбордан 73 тонна ам-мофос ханузгача чакка су-вида бўхиб ётган бўлса! Албатта, Қўйинчирик туман прокуратураси бундай ҳўжа-сизликни эътиборсиз қолдир-мас. (Давоми. Боши 1-бетда).

литра чиким қилинган. У фер-мерга берилмасдан оғбор-да «ушлаб» турилибди. Та-ажжубланарлиси шундаки, айни шу оғборда аммофос-дан 459, каллий минерал ўғитдан 180 килограмм ка-момад чиқди. Бундай ажабтовур номуво-фикликлар Жамбул номли фермерлар уюшмасида ҳам юз бермоқда. Буни уюшма раиси Т. Жўрабековнинг ўзи ҳам инкор қилолмади. У тўрт фермер ҳўжалигида 80 гек-тардан зиёд майдондаги буг-дой хануз биринчи озукни олмаганлигини эътироф этишга мажбур бўлди. Ўз-ўзидан савол туғилади: «Кимни алдамқочисиз?» Ерни алдаган, азини алдашни на-хотки Жўрабеков тушунмаса? Ниҳоят, бундай «англа-шилмовчиликлар»га чек қўйилди. Вилоят прокуратура органлари мониторинг текши-рувлари жараёнида аниқлан-ган қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан тегшли тақдимно-малар киритиб, айбдорлар интизомий ёки маъмурий жавобгарликка тортидлар. Юқорида таъкидланганидек, жиддий қонунбузилик бўйи-ча жиноят ишлари қўзғатил-ди. Қўриқиб турибдики, кат-тами, қичқили, жинойтга жазо муқаррар. Бунчи ҳеч бир раҳ-бар унутмаслиги керак.

Ю. ЖУМАНИЕЗОВ.

Фойда Ҳисобига

Ангрэн почта-алоқа тармоғида меҳнат-ни ташкил этишнинг илгор усуллари жорий қилиниб, ҳужжатлар билан иш-лаш, айниқса, муҳимларга хизмат кўрсатиш тақомиллаштирилди. Айни вақтда тежамкорликка алоҳида эъти-бор берилди. Шу тўғрисида ҳўжалик ўтган йил якуни бўйича 1,4 миллион сўм соф фой-да олди. Бу маблағ ҳисобига ишчи-хизмат-чиларнинг ижтимоий муҳофазаси яхшиланди. Тармоқнинг жойлардаги 13 та бўлими бино-лари жорий таъмирдан чиқарилди. Жамoa аъзолари ўтган йилда қўлга кирит-илган ютуқларни янада мустаҳкамлаш, бу йил ялпи даромадини 130 миллион сўмга ет-казиш нияти билан меҳнат қилишмоқда.

Об-ҳавонинг кескин ўзгариши, тоғли ҳудудларда меъёрдан ортиқ ёғингарчилик бўлиши натижасида сел, қор кўчиши, ер сурилиши каби фавқулод-да вазиятлар келиб чиқиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Шу боис табиий офатларнинг ол-дини олиш, Ўзбекистон Республика-си Президентининг 2005 йил 28 февралдаги «Тошқин сувларини, сел оқимларини ҳавф-хатарсиз ўтказиб юбориш ва кўчи билан боғлиқ ҳоди-саларнинг олдини олиш ҳамда улар-нинг оқибатларини тугатиш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида бир қатор амалий чоралар қўрилди. Вилоятимизнинг кўчи ва сел ҳавфи мавжуд ҳудудларда механизация-лашган отрядлар ташкил этилиб, қирғоқларни мустаҳкамлаш ишлари кучайтирилди. Тегшли идоралар билан ҳамкорликда Бўстонлиқ, Охан-гарон, Паркент туманлари ва Ан-грэн шаҳридаги 27 та ҳўжалик, 121

ОГОҲЛИК ХОТИРЖАМЛИК КЕЛТИРАДИ

фуқаро ҳавфсиз жойларга кўчирил-ди. Сел ва тошқинлар билан боғлиқ фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш мақсадида Бўстонлиқ тумани-да 6 та, Охангарон туманида 5 та, Ангрэн шаҳрида 6 та, Паркент ту-манида 4 та, Чиноз туманида 1 та, Покент туманида 1 та муваққат ку-затув постлари ташкил этилди. «Тошкент-телеком» оқиқ акциядор-лик жамияти ҳавфи ҳудудлардаги аҳолини алоқа воситалари билан таъминлади. «Тошвилтранс» акция-дорлик уюшмаси дарё ва сойлар қирғоқларини мустаҳкамлаш иш-лари етарли транспорт воситалари ажратди. Шу кунга қадар вилоят бўйича

«ЎЗБЕКЭНЕРГО» ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

Тошкент иссиқлик электр станциясини замонавийлаштириш лойиҳаси. Комбинацияланган цикли 370 МВт энергоблоки қурилиши бўйича танловда қатнашишга таклифнома.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати «Ўзбекэнерго» ДАК (иж-рочи агент) билан биргаликда Япония Халқаро ривожлантириш банки (JBIC)дан «Тошкент иссиқлик электр станцияси»ни замо-नावийлаштириш лойиҳаси, кейинчалик Замонавийлаштириш Лойиҳаси, баҳоси микдорида ODA заёмини олди. Унинг майдони Ўзбекистон пойтахти — Тошкент шаҳридан 20 км. шимоли-шарқда жойлашган. Катнашчилар «Тошкент иссиқлик электр станциясини замонавийлаштириш. Комбина-цияланган цикли 370 МВт энергоблок қури-лиши» лойиҳаси бўйича дастлабки малака танлови ҳужжатлари расмий сўроғи»ни аниқ кўрсатишлари шарт. Қўшимча маълумотларга эришиш учун мурожаат қилиш мумкин. Катнашчилар «Ўзбекэнерго» ДАК фойда-сига \$ 250 (US\$) қийматидаги чет эл валютасида қуйидаги ҳисоб рақамига қайтариб олинмайдиган пул маблағини ўтказишлари шарт. Ҳисоб рақами: № 20210840000117832001 АБН АМРО Банк-ида NB Ўзбекистон А. О. Тошкент. Депозит ҳисобининг ички рақами: 5038758 Банк коди: 00831 SWIFT Код: ABNAUZZ2. Банк корреспондент: АБН АМРО Банк Нью Йорк. Банк корреспондент: SWIFT и ABNAUZZ3. Дастлабки малака танлови бўйича қисқача асосий талаблари танлов ҳужжатларида аниқ кўрсатилган. Дастлабки малака танловида қатнашиш талабнома аризалари берк қонвертларда 2005 йил 30 май соат 12.00 гача юқорида кўрсатилган манзилга келтириб берилиши ёки қурьорлик хизмати орқали тақдим эти-лиши зарур.

«Ўзбекэнерго» ДАК «тўлиқ» («под ключ») қурилиш ишларини амалга ошириш бўйича Бош пудратчи лавозимига даъвогарлар дастлабки малака танловини ўтказиш нияти бор. Лойиҳа лойи-ҳалаштириш, ишлаб чиқариш, ташқи, йиғиш, ўрнатиш ва ишга тушириш, қайта қуриш билан бирга Бош пудратчи қурган ком-бинацияланган цикли тўлиқ ишлаётган газ-турбина энергобло-кини лойиҳавий бошқариш ишларини ўз ичига олади, Тошкент иссиқлик электр станцияси ҳудудида «тўлиқ» якка ҳолда қуриш мажбуриятини олган ҳолда. Энергоқурилма Ўзбекистон табиий газ конларининг газидан фойдаланади. Энергоқурилма бир газ-турбина ва генератор, бир қозон-утилизатор, бир буг турбина ва генератордан иборат бўлиб, барча қўшимча ускуналар билан бутланган ва уларнинг ҳаммаси кўп валли қурилман ташкил этади. Дастлабки малака танлови компания ва қўшма корхоналар (кон-сорциумлар) иштирок этиши учун очилган. Дастлабки малака танловидан ўтган қатнашчилар, жараёнда муовфиг Бош пудрат-чини сайлаш учун тендерга таклиф этилади. Малакали компани-ялар ёки малакали қўшма корхона (консорциум) аъзолари Бош пудратнинг фақат бир таклифига қатнашиши мумкин. Дастлабки малака танловида қатнашиш талабгорлари ҳужжат-лар мажмуи баҳоси микдоридаги тасдиқли пул ўтказиш шарти билан қуйидаги манзилга факс ва ёзма-расмий сўроқ билан тан-лов ҳужжатларини олиши мумкин. **Жаноб А. З. Сираджев,** «Ўзбекэнерго» Давлат акциядорлик компанияси бошқарма раис муовини. Хоразм кўчаси, 6. Факс № +998 (71) 136-27-00.

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

Сизларни ҳафтанинг ҳар душанба, чоршанба, жума кунлари Республика кўчмас мулк биржаси ва унинг вилоят бўлимлари марказлаштирилган биржа савдоларига таклиф этади.

2005 йил 11 апрелдан марказлаш-тирилган биржа савдоларига қуйида-ги давлат кўчмас мулкларни қўйилди: 1. Тошкент вилояти, Охангарон шаҳри, Сано-ат ҳудудида жойлашган, банкрот деб эълон қилиниб, тугатишга доир иш очилган «Сан-теҳкуйма» ОАЖнинг мол-мулклари. Бошланғич баҳоси — 580 000 000 сўм. «Respublika Ko'chmas mulk birjasi viloyati bo'limi» МЧЖ Сизларни 2005 йил 17, 24, 31 май кунлари соат 12.00 да «Respublika Ko'chmas mulk birjasi Toshkent viloyati bo'limi» МЧЖ савдолар залида ўтказиладиган навбатдаги аукцион савдоларига таклиф этади. Савдога қуйидагилар қўйилади: 1. «Регионал геология» оқиқ акциядорлик жамиятига қарашли, 1990 йилда ишлаб чиқарилган ЗИЛ ММЗ-4502 русумли, давлат рақами ИА 874 бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 1 500 000 сўм. Ушбу автотранспорт воситаси савдоларида қатнашиш учун ариза қабул қилиш савдо кунидан бир соат олдин тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш учун 10 фозили закалат пулини қабул қилиш аукцион савдосидан бир соат олдин тўхтатилади. Бизнинг маъзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннахр кўчаси, 19-уй, Тошкент вилоят ҳокимияти биносининг ўнг қаноти. Телефон: 133-28-52, факс: 133-77-18.

Товоқсой «Истиқбол» ҳиссадорлар жамияти

Умумий мажлис қарорига асосан масъулият чекланган жамиятга ўтишга қарор қилинди. Шу сабабга кўра эътирозлар бир ой муддатда қабул қилинади. Нақд шаклда чиқарилган акциялар жамиятнинг бошқарувида топширилишини ва таъсисчи бўлиб туришга талабгорлар бўлса, ариза беришингизни сўраймиз. Жамият бошқарув органи.

